ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 1 АВГУСТ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 152 (13.215)

Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ

25 O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ







ОЛМАЗОР ТУМАНИ:

ЮКСАЛИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР САРИ

Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами муносабати билан пойтахтимизнинг барча туманларида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Кўчалар, сайилгоҳлар, боғлар ва маҳаллалар ўзгача, янада гўзал бир кўринишга келтирилаётир. Реконструкция қилинаётган ҳамда янги қурилаётган иншоотлар фойдаланишга топширилиши арафасида.

Пойтахтимизнинг энг катта туманларидан бири ҳисобланган Олмазор туманида ҳам бу каби ишлар жадал олиб борилмоқда. 3450 гектар ҳудудга эга бўлган мазкур туманда кўчалар таъмирланиб, янги боғлар ва аҳоли дам олиш масканлари барпо этилаётир. 58 та маҳалладан иборат ҳудудда 337 мингдан ортиқ аҳоли кўп қаватли ва якка тартибдаги уйларда истиқомат қилишади. Туман миқёсида 726 та кўп қаватли уй бўлиб, ҳозирда таъмирталаб томлар, йўлаклар, ертўлалар ва бошқа жойларга ишлов берилмоқда.

Шунингдек, якка тартибдаги уйларнинг атрофи, маҳаллалар гузарлари, кўча ва хиёбонлар орасталанмоқда. Ариқлар тозаланиб, чиқиндилар белгиланган ҳудудларга олиб ташланмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар туман кўркига-кўрк, чиройига-чирой қўшаётир.

Олмазор тумани барча соҳалар, жумладан, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам шаҳримизнинг олди туманларидан ҳисобланади. Бугун бу ерда жами 4701 та корхона фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 4322 таси кичик ва 579 таси йирик корхоналардир. Шунингдек, битта бозор ва 37 та ёқилғи қуйиш шохобчалари фаолият юритмоқда. Туманда жорий йилнинг ўтган даврида иқтисодий ривожлантириш прогноз кўрсаткичи параметрлари бажарилди ва барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қурилиш ишлари ҳажми ва чакана савдо айланмасида бир мунча ўсиш кузатилди.

Таълим муассасаларининг жойлашувига кўра Олмазор тумани мақтаса арзигулик кўрсаткичга эга. Ҳозир бу ерда 47 та мактабгача таълим муассасаси, 32 та мактаб, 8 та коллеж, шунча лицей, 3 та мактаб интернати ва 4 та олий таълим даргоҳи жойлашган. Шунингдек, кўпгина спорт иншоотлари ёшларни жисмонан бақувват бўлиб ўсишига хизмат қилаётир. Жумладан, 4 та стадион, еттита бассейн, шунча спорт мажмуаси, 68 та спорт зал ва 32 та спорт майдончалари ёшлар билан гавжум. Бу масканларда тарбияланаётган йигит қизлар орасида мамлакатимиз ва халқаро мусобақаларда яхши натижаларни қўлга киритганлари кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг сафи тобора кенгаймоқда.

Шу билан бирга аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун тўртта маданият уйи, битта кинотеатр ва иккита истироҳат боғи доимо аҳоли хизматида.

Айтиш лозимки, Олмазор тумани вақт ўтган сари ривожланиб, тараққий этиб бормоқда. Аҳолиси тинч, турмуши фаровон. Буларнинг бари мустақиллигимизнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганида, дейиш мумкин.

(Олмазор туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

Парламент эшитуви

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг ташаббусига кўра парламент эшитуви ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлари бажарилишининг бориши тўғрисида ахборот берди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилангани таъкидланди. Ўтган йилларда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Соғлом она – соғлом бола" концепцияси халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ҳомиладор аёлларни таркибида инсон ҳаёти ва саломатлиги учун зарур микроэлементлар мавжуд бўлган поливитаминлар билан таъминлаш амалиёти йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Натижада кам вазнли болалар туғилиши, ирсий касалликлар ва туғма нуқсонларнинг олди олинмоқда. Болаларнинг ўткир респиратор вирусли инфекциялар, пневмония, бронхит, сколиоз билан касалланиш ҳолатлари камаймоқда. Мамлакатимиздаги 92 фоиз ўғил-қизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар янада кенг, изчил давом эттирилмоқда. Перинатал ва скрининг марказларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини янада ошириш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг хизмат кўрсатиш самарадорлигини яхшилаш, патронаж тиббиёт ҳамширалари кўпайтиришга алоҳида этибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бўстонлик туманида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди. Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят ҳудудий филиали ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда санъаткорлар, тиббиёт ходимлари, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

● Бухоро вилоятида Фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро судининг икки қаватли янги биноси фойдаланишга топширилди.

● Жиззах вилоятининг Арнасой туманида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Оила мустаҳкамлигини таъминлашда аёлнинг роли" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партия аъзолари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши вакиллари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

● Нукусда "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда соғлом ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилалар мустаҳкамлиги, ёшлар таълим-тарбияси, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, хотин-қизлар ва коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшаётган 15 маҳалла фуқаролар йиғини иштирок этди.

● Андижонда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган "Соғлом оила" шиори остида ўтказилган "Отам, онам ва мен – спортчи оила" мусобақасида 17 оила ўзаро баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● "Google" дунёдаги мингдан ортиқ музейнинг экспонатларини кўриш имкониятини берадиган "Arts & Culture" дастурини ҳамда шу номдаги сайтнинг янги версиясини ишга туширди. Ушбу сайт ва дастур ёрдамида дунёнинг 70 та мамлакатидаги мингдан ортиқ музейга виртуал саёҳат уюштириш мумкин.

● Боливия жанубида бундан тахминан 80 миллион йил аввал яшаган динозаврнинг улкан оёқ изи топилди. Ушбу топилма Сукрей шаҳри яқинидаги Марагуа ҳудудида палеонтологлар гуруҳи томонидан аниқланди. Палеонтологларнинг таъкидлашича, динозаврлар тарихидаги энг катта изни қолдирган Тероподнинг бўйи тахминан 12 метрни ташкил қилган.

● Минскдаги Липки аэродромида ўтказилаётган авиация спорти фестивалида белорусслик Кирилл Шинко белидаги камарга маҳкамланган тросс ёрдамида вазни 28,2 тоннадан ортиқ бўлган дунёдаги энг катта вертолёт — "Ми-26"ни 20 метр масофага тортиб бориб, ўзига хос рекорд натижага эришди.

● Австралиянинг Уорик университети олимлари мева ва сабзавотларни истеъмол қилиш орқали инсон кайфиятини кўтариши ва ўзини янада бахтиёр ҳис этишини аниқлади. Маълум бўлишича, ҳар куни мева ва сабзавотларни истеъмол қилиш орқали инсоннинг кайфияти яхши томонга ўзгаради. Бу эса унинг саломатлигига ҳам ижобий таъсир этади, яъни мева ва сабзавотлар таркибида мавжуд бўлган каротиноидлар организмнинг фаолиятини яхшилайди. Бу эса "бахт гормони" миқдорининг ортишига сабаб бўлади.

АВТОТРАНСПОРТ СОҲАСИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг ўринбосари Ш.Шоваҳобов ва бошқалар истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари, хусусан, автотранспорт хизматлари соҳасида ҳам бозор муносабатлари ва соғлом рақобат муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Соҳада кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва уларнинг турини кенгайтиришда бозор механизмларини мустаҳкамлаш муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Хусусан, сўнгги 15 йилда йўловчи ташиш йўналишлари сони қарийб 2,3 мингдан зиёд кўпайиб, бугунги кунда 4,3 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Йўловчи ташиш йўналишларини жойлаштириш бўйича очиқ тендер танловлари ўтказилаётгани автомобиль транспорти хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш ва барча ташувчиларга тенг шароит яратишга хизмат қилмоқда. Ҳисобот даврида 72 очиқ тендер танлови ўтказилиб, 1 мингдан зиёд йўловчи ташиш йўналиши жойлаштирилган.

Лизинг компаниялари, банк кредитлари ва ташувчиларнинг сармоялари ҳисобига янги автобус ва юк ташиш автомобиллари сотиб олинмоқда.

– Жорий йилнинг биринчи ярмида агентлик кўмагида тадбиркорлик субъектлари томонидан Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган "Исузу" русумли 240 янги автобус сотиб олинган, – дейди Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бўлим бошлиғи Т.Жамолхўжаев. – Бунинг самарасида 300 янги иш ўрни яратилиб, 23 та янги йўловчи ташиш йўналиши ташкил этилди.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан ёнилғи маҳсулотларини тежаш ва йўловчи ташиш рентабеллигини оширишга қаратилган турли тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, йил бошидан буён 270 дан зиёд автобус газда ишлаш бўйича қайта жиҳозланди.

Ҳисобот даврида агентлик томонидан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва Давлат солиқ бошқармаси ходимлари ҳамкорлигида йўлларда 2,3 мингдан ортиқ қўшма рейд ўтказилиб, уларда 18,5 мингдан зиёд ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган. Мазкур ҳолатларнинг аксарияти лицензиясиз фаолият кўрсатиш билан боғлиқ.

Дарё транспорти соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда агентликнинг Дарё кемачилиги регистри ва кемачилик инспекцияси томонидан 218 та дарё транспорти воситаси ва 3 та понтон кўприк кема реестрга киритилган. Кема қатнайдиган сув йўлларининг ҳолати, габарит ўлчамлари таъминлангани ва навигация белгилари билан жиҳозланганини назорат қилиш ишлари йўлга қўйилган.

Тадбирда таъкидланганидек, жорий йилда агентлик томонидан муҳим ижтимоий лойиҳа амалга оширилди. Агентлик "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида Гулистон шаҳрининг "Тараққиёт" маҳалласини ободонлаштиришга ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Бу ерда замонавий болалар майдончалари, футбол стадиони барпо этилиб, кўчалар ободонлаштирилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

М.ҚАРШИБОЕВ,
ЎзА мухбири

ОЛМАЗОР ТУМАНИ:
ЮКСАЛИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР САРИ











ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Олмазор туманида аҳоли саломатлигини яхшилаш, тиббий маданиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ишларда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тумандаги 14-оилавий поликлиника 36 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Барча тор доирадаги шифокорлар, умумий амалиёт шифокорлари ҳамда ҳамширалар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Саккизта маҳаллага тиббий хизмат кўрсатадиган поликлиникага бириктирилган аҳолининг 9839 нафарини туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади. Соғлом турмуш тарзини аҳоли ўртасида чуқур тарғиб қилиш мақсадида маҳалла фаоллари билан биргаликда саломатлик сектори бўйича иш олиб борилади.

Поликлиникада клиник ва биохимик лаборатория, ультратовуш диагностика текшируви, рентген ва эндоскопия текшируви, ЭКГ текшируви, массаж ва физеотерапия, муолажа ва эмлаш хоналари беморларни даволашда хизмат кўрсатиб келмоқда.

2016 йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши 14-оилавий поликлиника жамоасига ўзгача масъулият юклади. Ҳудуддаги ёш оналар ва болалар саломатлиги, уларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Оилавий поликлиника ҳудудида доимий назоратда турувчи ҳомиладор аёлларга соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш оналарни бола тарбиясига тайёрлаш мақсадида турли суҳбатлар ва тушунтириш ишлари олиб борилади. Шунингдек, 872 та ногиронлар бўлиб, уларнинг ярмидан кўпи текширувдан ўтказилди.

Бош шифокор Г.Жумаеванинг айтишича, ҳудуддаги саккизта маҳалланинг ҳар бири умумий амалиёт шифокорлари билан таъминланган. Маҳаллаларда саломатлик сектори тузилган бўлиб, ҳафта кунлари давомида аҳоли билан тарғибот ишлари режа асосида олиб борилади.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириш бўйича давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига асосан тиббиёт муассасаларида кадрлар салоҳиятини ошириш, уларнинг билим ва малакаларини юксалтиришга доимий эътибор қаратилмоқда. Ушбу қарор ижроси доирасида 14-оилавий поликлиниканинг умумий амалиёт шифокорлари 10 ойлик курсларда ўз малакаларини оширишди.

Ўтган йили поликлиникага “Саломатлик – 3” лойиҳаси доирасида бир қатор тиббиёт анжомлари берилди. Жумладан, тарози, кўзни текширувчи таблолар, лаборатория асбоб-ускуналари, автоклав ва ЭКГ каби тиббиёт аппаратлари билан таъминланди.

Юртимизда инсон саломатлиги барча нарсадан устун эканлигига соҳада қилинаётган бу каби ислоҳотлар ва янгиланишларни кўриб яна бир бор амин бўлиш мумкин.

ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

Моҳинабону болалигидан спортга қизиқар, телевизорда спорт мусобақаларини қолдирмай томоша қиларди. Ота-онаси унинг қизиқишини кўриб, спорт мактаби томон етаклади.

Спортнинг ўзбек жанг санъати турига қизиққан Моҳинабону устозларидан бу спорт турининг сир-синоатларини ўргана бошлади.

Аввалига шаҳар биринчилигида, сўнгра республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда ғолибликни қўлга киритди. Жорий йилда Италиянинг Венеция шаҳрида ўтказилган жаҳон биринчилигида иккинчи ўринни эгаллади...

Олмазор туманида бу каби ёшларни кўплаб учратиш мумкин, айниқса, 1-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактабида. Ушбу муассаса тарбияланувчилари кўплаб юқори натижаларга эришиб келмоқдалар. Мактабда ўқув-машғулотларни олиб бориш учун барча шароит ва қулайликлар яратилган. Футбол, волейбол, баскетбол, минифутбол майдонлари, спорт зал, бокс подиуми мавжуд бўлиб, улар бўлажак чемпионларни тайёрлашга хизмат қилмоқда. Ушбу спорт мажмуасида спортнинг футбол, юнон-рум кураши, бадиий гимнастика, қўл тўпи, ўзбек жанг санъати сингари ўн тўртта тури бўйича жами 52 та гуруҳда 679 нафар ёшлар мунтазам қатнашиб келадилар. Уларга 20 нафар малакали мураббий спортнинг сир-синоатларини ўргатиб келишмоқда.

– Мамлакатимизда спортга, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир, – дейди 1-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактаби раҳбари Хайрулла Ёқубов. – Қилинган ишлар, қаратилаётган эътибор самараси ўлароқ ёш спортчиларимиз жаҳон майдонларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Шу ўринда айтиш жоизки мактабимизда тарбияланаётган ёшлар ҳам мамлакатимиз ва халқаро майдонларда ўтказилаётган мусобақаларда яхши натижаларни қайд этишмоқда. Жорий йилда барча мусобақаларда мактабимиз тарбияланувчилари 10 та биринчи, 16 та иккинчи, 33 та учинчи ўринларни эгалладилар.

Дарҳақиқат, мазкур мактаб спортчилари халқаро майдонлардаги мусобақаларда айтишга арзигулик натижаларга эришмоқда. Биргина мисол, 2016 йилнинг июнь ойида жанг санъати бўйича Италияда ўтказилган жаҳон биринчилигида Моҳинабону Анварова кумуш, Жавлонбек Соҳибжонов ва Ситорабону Маҳмудовалар бронза медалини қўлга киритдилар.

– Шогирдларимнинг натижаларидан мамнунман, – дейди ўзбек жанг санъати бўйича мураббий Аида Балгаева. – Тўғри, улар олтин медалларни қўлга кирита олмади, аммо ҳаммаси олдинда. Бу спортчилар жуда тиришқоқ ва интилувчан, келажакда бундан-да юқори натижаларни қайд этишига ишонаман. Шуни таъкидлаш керакки, спортчиларимизнинг эришаётган ютуқлари юртимизда яратилган қулай шарт-шароитлар туфайлидир. Биз халқаро майдонларда кўрдикки, мамлакатимиз ёшлари ҳеч кимдан кам эмас ва буни исботламоқда.

– Беш йилдан буён спортнинг жанг санъати билан шуғулланиб келаман, – дейди Жавлонбек Соҳибжонов. – Устозларимнинг яхши сабоқ бериши натижасида кўплаб мусобақаларда юқори ўринларни эгалладим. Бундан кейин ҳам доим ғолиб бўлишга интиламан. Истагим, байроғимиз барча мусобақаларда энг баланда турсин.

Ҳа, бугун ёшларимиз ана шундай мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилмоқдалар. Ишонамизки, уларнинг эзгу ниятлари албатта амалга ошади.

МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

Азал-азалдан миллатимизда қўни-қўшничилик, ёру биродарлик, ён атрофидагилар билан борди-келди қилиш, бирдамликда, ҳамжиҳатликда яшашдек ўзига хос бир хислат бор. Бу одатларни бугунги кунда маҳалла мисолида кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, одамларнинг бирдамликда, тинч ва осойишта, тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, бир-бири билан иноқликда яшашида маҳалланинг ўрни беқиёс. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маҳалла меҳр-оқибат масканидир.

Бу масканда миллийлик, урф-одат ва анъаналар бардавомийлиги мужассам. Ёшларни одоб-ахлоқли, теран фикрлайдиган, ватанига садоқатли бўлиб ўсишида, ота-онасига, оиласига меҳр-оқибатли бўлишида, катталарга ҳурматда, кичиклар эса иззатда бўлишида маҳалла муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни касбга йўналтириш борасида ҳам маҳаллаларда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шу боис мазкур тузилма ва унинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Юртнинг ободлиги маҳалладан бошланади. Ораста, кўркам, саранжом-саришта маҳаллалар эса мамлакатимизнинг янада гўзал бўлишига ҳисса қўшади. Халқимизда тўй ва байрамларни қўни-қўшни, маҳалла билан кутиб олиш ва нишонлашдек яхши бир одат бор. Ҳозирда юртимизнинг барча маҳаллаларида давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрилаётир. Худди шундай Олмазор туманидаги “Чимбой” маҳалласида ҳам байрамолди тадбирлар бошлаб юборилган. Маҳалла гузарлари, кўчалар, майдонлар, зиёратгоҳ ва табаррук қадамжолар тозалигига яна бир бор эътибор берилиб, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда “Чимбой” маҳалласида 2200 дан зиёд оила мавжуд бўлиб, уларда 8900 нафар га яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада 910 та якка тартибдаги ва 9 та кўп қаватли уйлар мавжуд. Мазкур кўп қаватли уйларга “Ҳумо қуш коммунал”, “Аҳил обод” ва “Аҳил оила” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан хизмат кўрсатиб келинади. Кўп қаватли уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасида бир қатор ишлар олиб борилди ва давом этмоқда. Жумладан, уйларнинг томи, кириш йўлаклари, ертўласи, лифтлари таъмирланди. Шунингдек, видео кузатув мосламалари ҳам ўрнатилди.

– Маҳалламиз тумандаги тинч ва осойишта, фаол маҳаллалардан бири, – дейди “Чимбой” маҳалласи фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Қундуз Ниязова. – Аҳолининг кўп қисмини ёшлар ташкил этади. Ёшларимизнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг билимли ва интеллектуал салоҳиятли инсон қилиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, биз ҳам бу борадаги ишларга катта эътибор қаратмоқдамиз. Маҳалламизда ободонлаштириш ишлари доим олиб борилади. Мустақиллик байрами олдидан бу ишлар янада кучайтирилган. Сабаби Энг улуғ, энг азиз байрамимизни мана шундай ўзгача руҳда кутиб олиш ёшларимиз онгида ватанни севиш ва миллий байрамларимизга бўлган ижобий муносабатни шакллантиради.

Тумандаги “Asian Diamond Classic” масъулияти чекланган жамиятида бугунги кунда “Зеленый чай”, “Diamond”, “Novel”, “Bio Time” каби кир ювиш кукунлари, идиш-товоқ ювишга мўлжалланган гель ва шунингдек, тозалаш ва ювишда ишлатиладиган бир қатор маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Мазкур корхона 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, 2010 йилнинг август ойидан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлади. Йилига 15 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга корхонанинг техника ускуналари Хитойдан келтирилган. Эҳтиёт қисмлар ва қўшимча қурилмалар эса ўзимизда тайёрланади.

Ишлаб чиқаришда хом ашёнинг асосий қисмини ўзимизнинг маҳаллий маҳсулотлар ташкил этади. Айрим элементлар эса Хитой, Россия ва Европа давлатларидан келтирилмоқда. 2016 йилнинг биринчи ярмида корхонада уч минг тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Уларнинг каттагина қисми ўзимизнинг ички бозорда сотилади. Қолгани эса МДҲ ва Марказий Осиё давлатларига экспорт қилинади. Ҳозирги кунга қадар корхона томонидан 100 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Бугунги кунда корхонада 93 нафар ишчи-ходим меҳнат қилиб келмоқда. Ишчиларнинг кўп қисмини коллеж битирувчилари ва ёшлар ташкил қилади. Янги келган ёшларга тажрибали ходимлар иш услубларини ўргатиб борадилар. Бу борада Улуғбек Маҳмудов, Умида Тожибоева, Аҳрор Қосимов ва Маъмура Абдужабборова сингари ишчилар ёшларга ўрнак бўлмоқдалар.

– Давлатимиз томонидан ишбилармон доира вакилларига жуда катта имконият ва енгилликлар яратиб берилаётир, – дейди маркетинг бўлими бошлиғи Улуғбек Нишонов. – Тадбиркорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари ҳам қабул қилинган. Бу эса тадбиркорликнинг ривожланишига, миллий маҳсулотларимизнинг кўпайишига замин яратмоқда. Биз ҳам корхонамизда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳсулотлар турини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳозирда шампунь маҳсулотларини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқдамиз. Ўйлаган мақсадимиз муваффақиятли амалга ошса, яна бир неча йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлади.

2015 йилда режалаштирилган ишларни ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлинди. Ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, маҳсулотлар тури кўпайди. “Asian Diamond Classic” жамоаси пойтахтимизда ўтказиладиган халқаро кўргазма ва ярмаркалар ҳамда танловларда мунтазам иштирок этиб, юқори натижаларни қайд этиб келмоқда. Жорий йилда “Ташаббус” кўрик-танловининг туман босқичида биринчи ўринни эгаллади.

Корхонада маҳсулотлар тури, сифати ва салмоғини ошириш борасида доимий изланишлар олиб борилади. Изланиш ва интилишлар эса иқтисодий юксалишга асос бўлади. Юртимиздаги бу каби корхоналар бевосита мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшади.

Саҳифа материалларини Абдуалим САЛИМОВ тайёрлади
Ислом Исмоилов олган суратлар

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Парламент эшитувида депутатлар “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида бу борада белгиланган чора-тадбирлар ижроси, соҳадаги айрим камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича илгари сурилаётган ташаббусларни муҳокама қилди. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар соҳадаги ютуқларни эътироф этган ҳолда, мамлакатимизда тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш, айниқса, олис қишлоқларда малакали тиббий хизматлар кўрсатилишини кенгайтириш учун соҳага хусусий секторни жалб қилиш лозимлигини таъкидлади. Давлат дастурида тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш ва назоратни кучайтириш масаласига эътибор қаратди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан тиббиёт муассасаларини салоҳиятли кадрлар билан тўлдириш, хусусан, тиббиёт бирлашмаларини тор доирадаги мутахассислар, олис ҳудудлардаги қишлоқ врачлик пунктларини умумий амалиёт шифокорлари билан тўла таъминлаш, умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда нодавлат таълим муассасаларини белгиланган тартибда тиббиёт ходимлари билан таъминлаш масаласига эътиборни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

“Адолат” СДП сайловолди дастурида аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтириш, шу билан бирга, барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши ва амалга ошириш тарафдори эканлиги белгиланган. Шундан келиб чиқиб, фракция аъзолари Давлат дастурининг “Оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва равнақ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш” бўлимида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши лозимлигини қайд этди.

Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари асосий эътиборни Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросида даволаш-профилактика муассасалари ҳамда қишлоқ врачлик пунктларининг дори-дармон ва даволаш воситалари билан таъминланиш ҳолатига, қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш, аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада юксалтиришга, бу борада қўшимча чоралар кўрилиши лозимлигига қаратди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар томонидан гени модификацияланган маҳсулотларнинг мамлакатимизга четдан кириб келишининг олдини олиш, аҳоли ўртасида ижтимоий, юқумли ва хавфли ўсма касалликларининг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш ва даволаш соҳасини такомиллаштириш, соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлари бажарилишининг бориши тўғрисида”ги ахборотни маълумот учун қабул қилди.

Парламент Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларига, қўмиталарга ўз фаолиятларида Давлат дастурининг сўзсиз бажарилишига эътибор қаратиш, бу борада парламент назорати институтидан фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзА)

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Пойтахтимизда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида "Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш масалалари" мавзусида семинар ташкил этилди.

Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш, оила – маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлигини янада кучайтириш, мазкур соҳада учраётган камчиликни бартараф этиш, соҳа мутахассисларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган семинарда ФЖШМҚМИнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, "Камолот" ЁИҲ шаҳар Кенгаши ва Ҳаракатнинг умумий ўрта таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари вакиллари, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ва масъул ходимлари, соҳа мутахассислари, экспертлар, ОАВ вакиллари қатнашди.

Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялаш мақсадида мустақиллик йилларида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва бугунги кунда ушбу ҳужжатлар такомиллаштирилиб борилмоқда. Қолаверса, ҳар йили мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури қабул қилиниб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Семинарда "Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар" Дастурининг 13-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминланиши, хусусан, умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши, мазкур йўналишда ўтказилган таҳлиллар натижалари, соҳада мавжуд камчиликларни бартараф қилиш ва фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш ҳамда 2016-2017 ўқув йилларида ушбу йўналишда хамкорликни янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида" 2012 йил 27 февралдаги Қарорининг 69-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги қарори билан "Оила–маҳалла–таълим муассасаси" ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси тасдиқланди ва Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Оила–маҳалла–таълим муассасаси ҳамкорлиги Жамоат кенгашининг фаолияти йўлга қўйилди, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси етакчи мутахассиси Беҳзод Султонов. — Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Оила–маҳалла–таълим муассасаси ҳамкорлиги Жамоат кенгашининг Низомида белгиланган вазифаларнинг тўлақонли амалга ошириш ёшларнинг юксак ҳуқуқий маданиятли, қонунларга тўлақонли риоя этадиган, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган ҳамда фаол фуқаролик позициясига эга бўлган шахс қилиб тарбиялашнинг муҳим шартидир.

Табиийки, инсон ҳаёти ва унинг маънавиятини тўғри шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омил – бу таълим-тарбия тизимидир. Айнан, бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбия инсон камолотининг, миллат равнақининг энг асосий шарти ва гаровидир. Албатта, таълим-тарбия – онг маҳсули, айни вақтда, онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ўрганиш юзасидан ташкил этилган мониторинг якунлари билан таништирилди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш юзасидан таклифлар билдирилди.

— Бугунги тадбир умумий ўрта таълим мактабларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича масъул ходимларнинг билим ва кўникмаларини янада ошишига хизмат қилади, — дейди Яккасарой туманидаги 73-умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Зулфия Пардаева. — Семинарда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларни таълимдан кейинги ўқув машғулотларига кенг жалб этиш, ўқувчи-ёшларнинг назоратсизлигининг олдини олиш, ёшлардаги ижтимоий-психологик ўзгаришларни ўрганиб бориш ва зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, "оила–маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлиги механизмини янада кучайтириш бу борада эса давлат ва нодавлат ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик масалаларига эътиборни қаратиш юзасидан зарур маълумотлар берилди. Бугунги семинарда ўзлаштирган билим ва кўникмаларимизни янги ўқув йилида ишга солиб, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини янада оширамиз, деган умиддамиз.

Тадбир давомида умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни самарали ташкил этишнинг устувор йўналишлари, ўқувчи-ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, миллий-ахлоқий қадриятларни янада мустаҳкамлаш, тегишли қонун ҳужжатлари ижросининг таъминланиши, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилотларининг ўрни, оила–маҳалла–таълим муассасаси ҳамкорлигини кучайтиришнинг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тингланди.

Тадбирда таълим муассасаларида тегишли қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш масаласида конструктив мулоқотлар бўлиб ўтди.

Семинар якунида "Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар" Дастури доирасида ўтказилаётган тадбирларни манзилли амалга оширилиши юзасидан ҳамда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ва масъул ходимлари, шунингдек, "Камолот" ЁИҲнинг умумий ўрта таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари етакчилари иштирокида барча туманларда режа асосида шу каби семинарларни ўтказиш бўйича келишиб олинди.

Зиёда РАСУЛОВА,
Ҳаётхон ҚЎЧҚОРОВА

Тадбирлар

ЎЗЛИГИНИ ҚАДРЛАГАН ЭЛ

Шу кунларда пойтахтимизнинг барча масканларида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида байрам тадбирлари, давра суҳбатлари ва турли учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида "Мустақиллик олий неъмат" мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ўтказилди.

Тадбирда, Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори Р.Чориев, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори Б.Алиев мустақиллик инъом этган неъматларнинг беназирлиги, қадриятларимизнинг қадрланиши, халқимизнинг янада улуғланиши ва улкан бунёдкорлик соҳасида амалга оширилаётган ишлар замирида истиқлол берган ҳурлик, озодлик ва эркинлик мужассам эканлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз истиқлолга эришгандан буён барча соҳаларда жадаллик билан улкан ютуқларга эришилмоқда. Бунинг амалий исботини юртимизнинг қудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охирги 11 йил давомида жаҳондаги саноқли давлатлар орасида саккиз фоиздан кам бўлмасдан юксалиб бораётганида кўриш мумкин.

Маънавий-маърифий тадбирда шоира Адиба Умарова, шоир Абдумажид Азим томонидан Ватан, истиқлол ҳақида ўқилган шеърлар барчага бирдай манзур бўлди.

Санъаткорлар ва маънавият тарғиботчиларининг мулоҳазали, мунозарали чиқишлари ҳамда қизғин фикрлар ва савол-жавоблар доирасида ўтган тадбир иштирокчиларга хуш кайфият улашди.

Гулнигор САТТОРОВА

Танловлар

ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШ ОЛИМЛАР АНИҚЛАНДИ



Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг ижроси йўлида касаба уюшмалари томонидан ҳам кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, мазкур қарор асосида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танлови иккинчи маротаба ташкил этилди.

Мазкур танловдан кўзланган мақсад ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, йигит-қизларда Ватанга муҳаббат ва мамлакатда рўй бераётган воқеаларга даҳлдорлик ҳиссини оширишдир. Қувонарли томони шундаки, танлов натижасида ёшларнинг ноёб иқтидорлари юзага чиқарилмоқда.

Куни кеча мазкур танлов доирасида ўтказилаётган "Энг фаол ёш олим" номинациясининг Республика босқичи ўтказилди. Унда турли йўналишлар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган, инновацион-техник ғояларни илгари суриб келаётган 15 нафар ёш мутахассислар беллашди.

Танлов шартлари асосида ёшларнинг бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ёш илм-фан тадқиқотчилари фаолиятлари самарадорлигини янада оширишга қаратилган услуб ва тажрибалари синовдан ўтказилди. Хусусан, ёш тадқиқотчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хорижий давлатларнинг нуфузли илмий муассасаларида малака ошириб, замонавий илм асосларини эгаллаганлиги, янги ихтиролар, ноу-хау, илмий-техник ишланмалари, илмий натижаларини ёритувчи оригинал монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, чет элда ва республикамизда нашр қилинган илмий-оммабоп мақолалар, халқаро ва маҳаллий конференциялардаги, халқаро ва маҳаллий давлат илмий-техник дастурлари ва грантлардаги иштироки ўз аксини топди.

"Ўз ҳуқуқингизни биласизми?" мавзусида савол-жавобларга тайёргарлик жараёнида иштирокчилар меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ҳамда ёш педагогларга берилаётган имтиёз ва ҳуқуқларни тўлиқ ўзлаштирганликларини кўрсатдилар. Шунингдек, ёш тадқиқотчилар илмий фаолиятларини инглиз тилида ҳам баён қилиш имкониятидан фойдаландилар.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан – "Энг фаол ёш олим" танловининг ғолиб ва совриндорлари аниқланди. Шунингдек, "Энг илмий салоҳиятли олим", "Энг иқтидорли олим", "Энг заковатли олим" каби 12 та номинациялар бўйича энг фаол ёш мутахассисларнинг номлари ҳам маълум бўлди.

Ғолиблар таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг эсдалик совғалари ва дипломлари билан тақдирланди. Танлов доирасида аниқланган энг фаол ёш мутахассислар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ватанимиз Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан ташкил этиладиган "Ёш мутахассислар" республика форумида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шунингдек, улар ўз иқтидорлари ва тажрибаларига кўра Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ёш мутахассисларнинг ўз инновацион ғояларини янада ривожлантириш ва ҳаётга татбиқ этишлари мақсадида ажратилаётган махсус грантларни қўлга киритиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: "Энг фаол ёш олим" танловининг ғолиб ва совриндорлари

Мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар кўламини кенгайтириш, сифатини ошириш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан жорий йилнинг 11 июлдан – 11 августга қадар "Патронаж ойлиги" деб эълон қилинди.

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ЭЛ СОҒЛИҒИ ЙЎЛИДА

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги мавжуд барча поликлиникаларда "Патронаж ойлиги" доирасида тиббий кўриклар, давра суҳбатлари ва тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилиб борилмоқда.

Учтепа туманидаги 26-оилавий поликлиникада ушбу ойлик давомида 85 та малакали тиббий ходимларнинг жалб этилиши кўзда тутилган.

– Шу кунга қадар патронаж ойлиги доирасида 2694 та хонадонга ташриф буюрилди, – дейди 26-оилавий поликлиника бош шифокори Сурайё Холматова биз билан бўлган суҳбатда. – Кўрик жараёнида фертиль ёшдаги аёллар ва болалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли, айниқса кекса ёшдаги фуқаролар ва ўзгалар парваришига муҳтож ногиронларга сифатли ва тезкор тиббий ёрдам кўрсатилди. Ушбу жараён, тиббий санитария ва реабилитация тадбирларининг сифат ва самарадорлигини оширишга, диспансер назоратидаги, сурункали касаллиги бор беморларни динамик кузатувларини амалга ошириш ҳамда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишга хизмат қилади. Патронаж ойлиги доирасида ходимларимиз, хонадонларга қатновларни амалга ошириш билан бир қаторда оилаларнинг тиббий-ижтимоий ҳолатини ўрганиш, касалликни юзага келтириши мумкин бўлган омилларни бартараф этиш, мавжуд ҳолатларни аниқлаш, уларнинг ечимини топиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинларига ахборот киритиш ва тегишли чораларни белгилаш вазифаларини ҳам амалга оширади.

Тиббий кўрикда УТТ, ЭКГ ва бошқа кўчма тиббий ускуналар ёрдамида текширувлар ўтказилди. Терапевт, педиатр, кардиолог, гинеколог, эндокринолог, офтальмолог каби малакали шифокорлар аҳолига зарур тавсияларни берди.

– Ота-она учун фарзандларнинг саломатлиги, катта бахт, – дейди "Дегрез" маҳалласи фуқароси Муҳтабар Мирҳодиева. – Барча шифокорлар кўригидан ўтиб, ўзимиз ва фарзандларимизнинг соғлом эканлигини эшитиб хотиржам бўлдик. Бу юртимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиниши, ҳар бир инсон малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиши борасида яратилган имкониятлар самарасидир.

* * *

Юнусобод туманидаги 49-оилавий поликлиникага қарашли "Оқтепа" маҳалласида бўлиб ўтган тадбир, "Патронаж ойлиги – эл саломатлиги йўлида" деб номланди. Унда аҳоли саломатлигини яхшилаш, мустаҳкамлаш, даволаш ва турли касалликларнинг олдини олиш борасида сўз борди.

Патронаж ойлиги доирасида олиб борилаётган тиббий кўрикларда Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ҳам дастуруламал бўлмоқда.

Тадбирда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатлик, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом овқатланиш ва спортнинг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилди.

Поликлиниканинг шифокор ва ҳамширалари хонадонларга патронаж бўйича ташриф буюриб, чақалоқлар, ҳомиладор аёллар, ногиронлар ва фертиль ёшидаги аёлларга тиббий хизмат кўрсатди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ТИНЧЛИК – ФАРОВОН ҲАЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бош бошқармасида мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз олдидан ташкил этилган ушбу тадбирда бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б.Акрамов, юридик фанлари доктори Ф.Муҳиддинова ҳамда фалсафа фанлари доктори С.Тўйчиева Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, эришилган ютуқлар ва ўтказилган ислоҳотлар ҳақида сўз юритди. Хусусан, тинчлик-осойишталикни сақлаш, юрт фаровонлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар қилинганлиги таъкидланди.

Тадбирда мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар, бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари ва кенг жамоатчилик вакилларининг ҳамкорлиги муҳокама этилди.

– Юртимиз бўйлаб жойларда ўтказилаётган шодиёна тадбирлари, бу каби учрашувлар халқимизнинг қалбига чексиз қувонч бағишламоқда, – дейди бош бошқарма ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари Бурхон Давиров. – Бугунги кунда мамлакатимизда ҳар бир соҳанинг ривожланиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта. Қўлга киритилаётган улкан натижаларимизни бутун дунё тан олиши, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътиборга эга бўлиши келажаги буюк давлатдан далолатдир.

Анжуманда билдирилган фикр-мулоҳазалар, тадбир меҳмонлари томонидан ўқилган шеърлар, ижро этилган роллар иштирокчилар қалбига кўтаринки кайфият улашди.

Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ,
капитан

"Ёз – ўтмоқда соз"

ЧОТҚОЛ ДЎСТЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Шу кунларда юртимиздаги ҳар бир хонадону ҳар бир ташкилотда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.



Оқил Ғуломов олган сурат

Тошкент вилоятидаги "Чотқол" болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳам "Гўзал ва бетакроримсан муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Чотқол дўстларни чорлайди" деб номланган болалар ижодий фестивали бўлиб ўтди.

Унда "Ёшлик", "Қуёшли", "Ниҳол", "Конструктор", "Металлург" каби ўнга яқин болалар оромгоҳидан вакиллар иштирок этиб, ўз ижодларини намойиш қилдилар.

– Оромгоҳимизда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридан 600 яқин бола дам олмоқда, – дейди "Чотқол" болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Эркин Деҳқонов. – Мавжуд 16 отряддаги болаларнинг ҳар бирига меҳрибон, олий маълумотли тарбиячи ва етакчилар туну кун ғамхўрлик қилмоқда. Зеро, бола соғлом бўлса, оила бахтли, жамият мустаҳкам бўлади.

"Чотқол" тоғи яқинида жойлашган мазкур оромгоҳ ажойиб табиатга бой "Юсуфхона" масканн, "Чорвоқ," сув омбори қирғоғида жойлашган бўлиб, бу ернинг суви фойдали моддаларга бой ҳисобланади. Бу ерда болаларни мириқиб дам олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, кўплаб тўгаракларлар, жумладан, "Инглиз тили", "Тўқиш", "Моҳир қўллар", "Тасвирий санъат" ҳамда спорт тўгараклари фаолият юритмоқда.

Болаларни маънавий дунёқарашини янада оширишда эса "Маънавият ва маърифат" хонаси ва қизиқарли китобларга бой кутубхона қўл келмоқда.

– "Ораста қизлар" тўгарагида қизлар билан турли мавзуларда суҳбатлар, викториналар, кўрик-танловлар ўтказиб борилади, – дейди оромгоҳдаги тўқиш тўгараги раҳбари Насиба Шокирова. – Кунига юзлаб болаларга бисердан ва ипдан турли-туман буюмлар тўқишни ўргатаман. Янгиликларга чанқоқ, ғайратли болаларга қараб, ҳавасингиз келади. Кўзида қувонч порлаб турган болаларга ҳунар сирларини ўргатаётганимдан жуда хурсандман.

Болаларни саломатликларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ҳар мавсумда бир қанча спорт турлари бўйича спартакиада мусобақалари ўтказилади, Ғолиблар оромгоҳ раҳбарияти томонидан дипломлар билан тақдирланади.

– Оромгоҳимизда турли кечалар, маънавий-маърифий тадбирлар тез-тез бўлади, – дейди Қашқадарёдан келган 11 ёшли Севербек Элбоев. Адабиётга жуда ҳам қизиқаман. Ўзим шеърлар машқ қилиб тураман. Бу ерда ўтказилган ёзувчи, шоирлар билан учрашувлар, кўғирчоқ театрининг томошалари бизга олам-олам завқ бермоқда.

Болаларга олам олам завқ берган фестивалда ҳар бир бола ўзининг иқтидорини намоён этишига имконият яратилди. Кимдир ўзининг қўшиқлари, яна биров рақслари билан тенгдошлари ва ота-оналар таҳсинига сазавор бўлди. Фестиваль якунида унда иштирок этиб, қобилиятини намоён этган барча оромгоҳлар болаларига эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда ВОҲИДОВА

Спорт янгиликлари

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ТУРНИРГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Пойтахтимиз Тошкент шаҳри футбол бўйича ёшлар ўртасида ташкил этилаётган халқаро турнирга мезбонлик қиладиган бўлди.

Яъни, 6-9 август кунлари шаҳримиздаги "Жар" ҳамда "Пахтакор" стадионларида Марказий Осиё футбол ассоциациясига аъзо мамлакатлар – Ўзбекистон, Эрон, Қирғизистон, Афғонистон ёшлар терма жамоалари ўртасида Марказий Осиё футбол Ассоциацияси кубоги (МОФА) турнири уюштирилади.

Уч кун мобайнида "Пахтакор" ва "Жар" стадионида уюштирилаётган ушбу халқаро турнир Марказий Осиё футбол ассоциациясига аъзо давлатлар ёшлар терма жамоалари учун ўзига хос тажриба мактаби бўлиб хизмат қилади албатта. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси "А" гуруҳида Афғонистон, Қирғизистон терма жамоаларига қарши ғолиблик учун кураш олиб борса, Эрон, Тожикистон, Туркманистон ёшлар терма жамоалари "В" гуруҳидан ўрин эгаллашган.

Ёшлар терма жамоамиз халқаро турнирдаги дастлабки баҳсини 6 август куни "Жар" стадионида қирғизистонлик тенгқурларига қарши ўтказади.

МУРАББИЙЛИК КУРСЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛИШДИ

Футбол ривожида малакали мураббийларнинг ҳиссаси катта бўлади.

Шу боис ҳам кейинги йилларда Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Осиё футбол конфедерацияси ҳамкорлигида мураббийлик сирларини ўрганишни хоҳлаганлар учун махсус ўқув курслари ташкил этиляпти. Жорий йилнинг июль ойида Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Осиё футбол конфедерацияси ҳамкорлигида "В" тоифадаги мураббийлик лицензиясини қўлга киритишни хоҳлаганлар учун махсус ўқув курслари ташкил этилди.

Осиё футбол конфедерацияси инструктори Ислом Аҳмедов етакчилигида ўтказилган ўқув курсларида 23 нафар "В" лицензиясини қўлга киритишни истаган номзодлар иштирок этишди. Эътиборлиси, ушбу номзодлар орасида Ўзбекистон миллий терма жамоасида тўп сурган Анвар Солиев, Виктор Карпенко, Асрор Аликулов, Хайрулла Каримов ва Анвар Ғофуров ҳам бор. Ушбу футболчилар ҳам "В" лицензиясини қўлга киритишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

МУСОБАҚАДА МАҲАЛЛАЛАР СПОРТЧИЛАРИ

Ёз мавсумида пойтахтимизда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтишига, соғлом бўлиб ўсишига, ҳар томонлама камол топган инсонлар бўлиб етишига қаратилган қатор тадбирлар уюштирилмоқда.

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган Чилонзор туманининг "Маҳалла" хайрия-жамоат фонди, мамлакатимиз Армрестлинг лигаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда Чилонзор тумани маҳаллаларида истиқомат қилаётган 92 нафар спортчи-болалар ўртасида спортнинг армрестлинг тури бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Мусобақа 10-12 ва 13-15 ёшлилар ўртасида уюштирилди.

Тадбир сўнггида мусобақа ғолиблари, халқаро ташкилотлар ва ҳомийлар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Мусобақаларда армрестлинг бўйича жаҳон чемпиони Жасур Алиакбаров ҳакамлик қилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ



Анвар Иноқовни санъаткор, журналист ва шахматчи, дея тавсифласак адашмаймиз. Матбуот соҳасидаги баракали ижоди эвазига Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг аъзоси бўлган Анвар ака кўпроқ шахмат тарғиботига эътибор қаратади. Бундан ташқари, "Машҳур кишилар ҳаётидан" рукни остида эл севган адиб ва санъаткорлар ҳаёти ва ижодига бағишланган туркум мақолаларнинг муаллифидир. Шахмат ва санъат ҳақидаги материаллари Республика газеталарида мунтазам равишда чоп этиб борилади. "Тошкент оқшоми" газетасида ҳам жамоатчилик асосида қирқ йилдан буён ўзининг қизиқарли мақолалари билан қатнашиб келади.

Қуйида Анвар Иноқовнинг шахмат тарихига бағишланган навбатдаги мақоласини муштарийларимиз эътиборига ҳавола этамиз.

Шахмат ўйинида фараз қил, сен театр режиссёрисан, Сипоҳлар "64" катакда, қандай ўйнатишинг ўзингга боғлиқ. Ютқазсанг, ўзингдан ўпкала. Ютсанг, ажойиб спектакль яралади! Беқиёс ўйналган партиялар эса тарих саҳифасидан жой олади. Ҳа, шахмат санъати ўз "64" катагига ДУНЁни сиғдира олган. Шунинг учун бутун дунё халқлари шахматни севиб ўйнайди. Шуниси қизиққи, шахмат ҳудди мусиқадек таржимонга муҳтож эмас!

Тарих зарварақларидан

ШАХМАТНИНГ ЯРАЛИШ СИНОАТЛАРИ

Аксарият тадқиқотчилар шахмат ўйинига Шимолий Ҳиндистонда юзага келган чатурангга асос бўлган деб ҳисоблашади. Шу билан бирга шахмат бир вақтдаги ихтиро маҳсулими ёки узоқ муддатли тадриж ҳосиласими деган масалада турли фикрлар мавжуд. Жумладан, машҳур инглиз ориенталист-шарқшуноси, "Шахмат тарихи" фундаментал тадқиқоти (Оксфорд, 1913) муаллифи Г.Мюррей шахматни бир киши томонидан берилган қандайдир туртки натижасида юзага келган деб ҳисоблашга мойил эди.

Олим шахматнинг қадимги даври бўйича ишончга сазовор ҳужжатли маълумотлар йўқлиги боис шундай фикрга келган. Мюррей томонидан ёзилган шахмат ҳақидаги тарихий очеркнинг кириш қисмига "Ихтиро қилиниши" деб сарлавҳа қўйилган эди. Ушбу қисмда "мазкур ўйин шимолий-ғарбий Ҳиндистондаги бирон фуқаронинг онгли ва ўйлаган ихтироси бўлган" дея таъкидланади.

ХХ аср бошларидаёқ бошқа шахмат тарихчилари, жумладан этнограф археолог И.Савенков бошқача нуқтаи назарни билдиришган. У ҳам маълумотлар ва манбалар чекланганлигига таассуф билдиради. Бироқ ҳатто камчил маълум фактлар ҳам (айниқса XI аср бошларида хоразмлик аллома Беруний, кейинроқ ҳинд муаллифлари томонидан қилинган чатуранга тавсифлари, Сибирь ва Узоқ Шарқ ҳудудида шахматнинг ўрганилиши) олимни шундай хулосага олиб келадики, шахмат ўйини Осиёда юзага келиш даврида ҳам, ўз ривожи жараёнида ҳам турли босқичлардан ўтган. Шу билан бирга Савенков қадимги ҳиндча шакл тадрижи ва унинг кейинги тараққиёти масаласи "фақат этнография томонидан ўрганилиши ва аниқланиши мумкин" деган фикр билдиради.

Замонавий билимлар даражаси қуйидагича фикрни илгари суриш имконини беради — шахмат уч ривожланиш: чатурангага — шатранг — замонавий шахмат босқичларидан ўтган.

Ҳиндистондаги шахматга доир дастлабки маълумотлар ўйиннинг замонавий шаклига эмас, чатурангага (тўртлик ўйинга) дахлдор. Чатуранга бизнинг тасаввуримиздаги шахмат эмас эди. Унда сипоҳлар бошқача жойлашган, фарзин мавжуд бўлмаган, ўйиннинг ўзи ҳам мухолифнинг барча кучларини йўқ қилишга қаратилади. Рақиблар ўйин шашқоли кўрсаткичлари бўйича навбатма-навбат юришлар қилишган.

Шу билан бирга чатуранга, хусусан тавсифлар бўйича бизга маълум шаклда ҳарбий мазмунга эга бўлиб, шатранг номи билан кенг тарқалган ўйинга дебоча яратди.

Қадимги ҳинд эпоси ҳам, милоднинг дастлабки асрларидаги санскрит адабиёти ҳам (чатуранга) ҳақидаги энг эрта қайдларни VII-IX асрлардаги асарларда учратамиз), Ўрта асрларда Шарқда тарқалган шахмат ҳақидаги афсоналар ҳам чатурангининг яратилиш даври тўғрисидаги масалани ҳал этишга ҳеч нарса қўша олмайди.

1972 йил охирида ўзбек археологлари қадимги Далварзинтепа шаҳрининг қазувлари пайтида милоддан аввалги II асрга оид иккита шаклчани топишди ва уларни шахмат донолари деб белгилашди. Ушбу хабар дунё матбуоти бўйлаб тарқалди. "Шахмат назарда тутилганидан тўрт аср аввал яратилган экан" — барча шарҳларнинг асосий ғояси шу эди.

Милоднинг дастлабки асрларидаги ҳинд маданияти бўйича кўплаб олимларнинг кашфиётлари орқали аён бўлдики, шахматнинг илк ривожланиши масаласини ўрганишда ҳал қилувчи сўзни айнан археологлар айтишлари лозим. Бу ерда Шимолий Ҳиндистоннинг катта ҳудудини ва замонавий Афғонистоннинг ёндош туманларини, Марказий Осиёнинг жанубий, шарқий Эроннинг бир қисмини эгаллаган Кушон (мил. ав. II-I асрлар) ҳамда эфталийлар (мил. ав.VI-V асрлар) давлатлари тўғрисида гап бормоқда. Ушбу давлатларнинг сиёсати ва маданий ҳаётида таркибига Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жануби ҳамда шимолий Афғонистон кирган Бақтрия (кейинроқ — Тожикистон) муҳим роль ўйнаган.

Далварзинтепа топилмалари орасида фил ҳамда хўкиз-зебуш тасвирланган, ҳиндча келиб чиқишга эга фил суягидан ясалган икки шаклчага қизиқиш катта бўлганлиги тушунарли. Бу тўғридаги мақола 1973 йилда шахмат ҳақидаги журнал саҳифаларида ёритилган эди.

Юқорида айтилган мақоладан бир йил кейин унинг муаллифи Б.Турғунов ҳамда экспедиция раҳбари Г.Пугаченкова шундай фикр билдиришди: топилган шаклчалар ўйиннинг чатурангадан шатрангга ўтган даврига мансуб. Улар чатурангани "дунёнинг тўрт томонидан, катакларга бўлинган тахтанинг тўрт бурчагидан келаётган тенг кучли ҳамжуфтликлар жанги", деб аташади. Дунёнинг тўрт томони тимсоли бўлган, мил.ав. III-II асрларга оид ҳинд стамбидаги фил, арслон, хўкиз-зебу ва от тасвирларини ўрганган ҳолда улар шундай хулосага келишган. Шунингдек, уларнинг тахминича, мил.ав. I асрда Кушон давлати вужудга келган пайтда Ҳиндистонда чатуранга аллақачон мавжуд бўлган. Зеро, Далварзинтепа топилмалари чатуранганинг кейинги асрда давлатнинг шимолий-ғарбий ҳудудларига кириб борганлигидан далолат беради.

Ушбу фаразнинг ҳақиқатга қанчалик мослигини айтиш мушкул. Нима бўлганда ҳам у ҳақиқатга яқин. Зеро, чатуранга атамалари, унинг кейинроқ ҳинд муаллифлари томонидан қилинган тавсифлари, асосийси, жониворлар шаклчалари дунё қисмларини ифодалаган рамзийликни эмас, ўзига хос ҳарбий жанг моделини акс эттирган ўйиннинг кейинги ривожи топилган шаклчалар бевосита ҳарбий чатурангадан олдин мавжуд бўлган ўйинга тегишли, дейишга асос бўла олади.

Хорижлик шахмат тарихчилари ҳам ўз мақолаларида ва эълон қилинган ишларида Далварзинтепа топилмаси ғоятда қимматли эканлигини таъкидлашади. Жумладан, итальян тадқиқотчиси А.Никко собиқ иттифоқ археологларининг хабарини кейинги йиллардаги шахмат тарихига дахлдор энг муҳим маълумот деб ҳисоблайди. Ғарбий германиялик шахмат тарихчиси Э.Мейсенбургни хўкиз-зебу шаклчаси унинг мавжудлиги хусусида ҳинд ва араб манбалари ҳеч қандай маълумот бермаганлиги боис иккилантиради. Ахир, чатурангининг Ҳиндистондан бошқа юртларга тарқалиши хусусида, унинг илк кўринишлари, айниқса ундан олдин мавжуд ўйин ҳақида ҳеч қандай ҳужжатли маълумотлар мавжуд эмас. Шу билан бирга айтиш жоизки, кейинроқ XX асрда хўкиз Марказий Осиёдаги 112 катакли шахмат донолари таркибида бўлган. Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатларининг қадимги шахмат донолари таркибини аниқлаш яна шу жиҳатдан мушкулки, улар ҳарбий ҳарактер ва атамаларига тўлиқ мувофиқликда тайёрланган-тайёрланмаганлигини билмаймиз. Хусусан, ўйинда чавандозларсиз отлар, жангчиларсиз ва ҳарбий аслаҳасиз филлар мавжуд бўлганми, рамзий, айниқса пиёда аҳамиятидаги шаклчалар қўлланилганми, қадимги Ҳиндистон жанговар аравалари маълум даражада воқеликка яқин акс эттирилган – буларнинг ҳеч бири маълум эмас.

Мазкур муаммони ҳал этиш нафақат чатурангани ўрганиш, балки унинг кейинги ривожланишини тасаввур қилиш учун ҳам муҳим. Вақт ўтиб, чатуранга шунчалик сезиларли ўзгаришларга учрадики, моҳиятан мутлақо янги ўйин вужудга келди. Ушбу ўйинда эндиликда саккиздан донаси бор тўртта қўшин ўрнига ўз ихтиёрида ўн олтитадан донаси бор икки қўшин ҳаракат қиларди, икки муҳолиф ўзаро жанг олиб борарди. Доналардан бири, лашкарбошини ифодаловчи дона шоҳга (қиролга) айландики, энди ўйин қоидалари бўйича уни йўқотиш мумкин эмасди, бошқа дона эса унинг маслаҳатчиси (фарзин) бўлиб қолди.

Янги ўйин шатранг номини олди. У биринчи бор қачон ва қаерда пайдо бўлган?

Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асарида (X аср охири – XI аср боши) қўшинни ифодаловчи доналар ҳаракат қиладиган ва "тафаккур орқали ғалаба қозонадиган" ўйиннинг юзага келиши ҳамда дастлабки тарқалиши тўғрисида иккита афсона келтирилади. Улардан бирининг қаҳрамонлари ҳинд шаҳзодалари Гав ҳамда Талханд. Ўзаро низолар пайтида Талханд қўшини тор- мор этилади, унинг ўзи эса ногоҳ оламдан ўтади. Онасига тасалли бериш ва Талханд жангда ўлдирилмаганлигини кўрсатиш мақсадида ҳинд донишманди томонидан "уруш ўйини" ўйлаб топилади. У катакларга бўлинган тахтада жанг боришини, саркардасининг эмас, лашкарлардан бирининг ҳалокатини тасвирлайди. Шахмат яратилиши ҳақидаги бошқа ривоятни акс эттиришга шоир XI ва VIII асрлар чегарасида таркиб топган паҳлавий эпосига кирувчи "Матикан-и-чатранг" ("Чатранг ҳақидаги китоб") асари мотивларидан фойдаланади. Бу ўринда мураккаб ўйин унинг моҳиятини топиши учун ҳинд рожаси томонидан қудратли Эрон шоҳи Хусрав I Анушировнга (531-579) қандай юборилганлиги ҳақидаги анъанавий тахмин баён этилади. Шоҳ аъёнлари ичидан фақат донишманд Важургмиҳр (Фирдавсийда – Бузургмеҳр) шахмат қоидаларини топишга муваффақ бўлади. Ўйин кўп йиллик такомиллашув меваси эканлиги айтилган эпос мисралари ғоят қизиқарли: "Ушбу чатуранга ўйинини Ҳиндистон олимлари қанчалик катта меҳнат ва хафсала билан ўйлаб топишди, бу ерга юборишди, жойлаштиришди ва ҳеч кимнинг уни ҳал этишга қурби етмади".

Ҳар икки тахмин ҳам биринчи навбатда ўзининг ҳиндча йўналиши билан диққатни тортади. Бироқ, улардан бири бир хил мураффақият билан Шимолий Ҳиндистонда ҳам, унинг будда вийлик таъсири ҳукмрон чегарасидан ташқарисида ҳам пайдо бўлиши мумкин эди. Иккинчи афсонага келсак, унда фан ва санъат ҳомийси сифатида танилган Хусравнинг идеаллаштирилиши акс эттирилган.

Бунинг устига айрим тадқиқотчилар назарда тутганидек "Чатранг ҳақидаги китоб" паҳлавий эпоси Хусрав I замонасига эмас, янада аввалги Ардашер даврига (мил.ав. III аср) тегишли воқеаларни баён этади.

Шу боис шахматнинг Эронга кириб келишига, айниқса ўйин яратилишининг вақтини белгилашга доир аниқ маълумотларни аниқлаш учун афсонани тарихий-хронологик таҳлил қилиш амри маҳол. Бироқ Г.Мюррей айнан шундай иш тутиб, паҳлавий афсонасини ўрганиш асосида "шахмат милоднинг 570 йили атрофида ихтиро қилинганлиги фойдасига сўз юритади", деб тасдиқлайди.

Г.Мюррей ўз хулосасини асослаш учун IV-V асрлар чегарасида Ҳиндистонда яшаган ва ушбу ўлкага саёҳатини батафсил ёритган Хитой зиёратчиси Фа Сянга таянадики, у шахмат ҳақида бирон марта ҳам эслатиб ўтмайди. Балки зиёратчи ўйинга эътибор бермаган ёки чатурангани ҳали билишмайдиган жойларда юрган бўлиши мумкин. Бинобарин, ўша пайтда ўйин мавжуд бўлмаган дея хулоса чиқариш нотўғри бўлар эди. Қизиғи шуки, И.Савенков ўхшаш материалларни ўрганган ҳолда шахматнинг Ҳиндистонда мил.ав. IV асрдаёқ, ҳаттоки бирмунча эрта – I асрдаёқ мавжуд бўлиши мумкинлигини билдиради.

(Давоми келгуси сонда)

Анвар ИНОҚОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, санъатшунос, шахмат бўйича спорт усталигига номзод

Огоҳлик – давр талаби

ГЛОБАЛ МУАММОГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШИЛМОҚДА

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши томонидан "Одам савдосига қарши курашишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳамкорлиги" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳ.Бобохонов ва бошқалар Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ушбу трансмиллий жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда муҳим дастуруламал бўлаётганини таъкидлади.

Ҳар йили дунё бўйича 2 миллион 800 минг киши одам савдосидан жабр кўрмоқда. Мамлакатимизда ушбу жиноятга қарши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, кенг жамоатчилик ҳамкорликда курашаётгани ўз самарасини бермоқда.

– Бундай тадбирлар фуқаролар, айниқса, ёшларнинг одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар моҳиятини тўла англаб етишига хизмат қилади, – дейди Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази директори ўринбосари О.Қосимов. – Уларга ҳуқуқшунос ва психологларнинг жалб этилаётгани йигит-қизларнинг бу борадаги билимини бойитиш имконини бераётир.

Давра суҳбатида одам савдосининг олдини олиш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида фикр алмашилди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"ZAFIS – AVTO PLUS" МЧЖга қарашли автотранспорт воситаларига берилган қуйидаги лицензия варақлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

№	Лицензия варақа рақами	Лицензия варақаси берилган сана	Лицензия варақасининг амал қилиш муддати	Фаолият тури	Автомобиль маркаси	Автомобиль давлат рақами
1	0965513	26.07.2011	25.07.2015	МПГ	SINOTURK ZZ3251N3841A	01465TAA
2	0965512	26.07.2011	25.07.2015	МПГ	SINOTURK ZZ3251N3841A	01467TAA
3	0965511	26.07.2011	25.07.2015	МПГ	SINOTURK ZZ3251N3841A	01470TAA
4	0965510	26.07.2011	25.07.2015	МПГ	SINOTURK ZZ3251N3841A	01472TAA
5	0965509	26.07.2011	25.07.2015	МПГ	SINOTURK ZZ3251N3841A	01469TAA
6	0965508	26.07.2011	25.07.2015	МПГ	SINOTURK ZZ3251N3841A	01468TAA

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Олмазор тумани 9-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Беҳзод Алимовга отаси

Қўрқмас Султонович АЗИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

34-36 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра ***2 августда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент шаҳрида ***2 август*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи —*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ